

Муслима синглим огоҳ бўлинг

﴿ احذري أختي المسلمة ﴾

[الأوزبكي - Uzbek - Ўзбекча]

Абу Жаъфар Ал-Бухорий

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿ احذري أختي المسلمة ﴾

« باللغة الأوزبكية »

أبو جعفر البخاري

2009 - 1430

islamhouse.com

Хой муслима киз, эхтиёт бўл!

тўпловчи: Абу Жафар ал-Бухорий

Эркак ва аёлларнинг аралашиб юриши харомдир.

Аллохга хамдлар, унинг элчиси, пайгамбарларнинг сўнггиси Мухаммад, унинг оиласи, асхоблари ва уни киёмат кунига қадар суйган ва унга эргашганларнинг барчасига Аллох салавот ва саломлар йўлласин!

Сўнг:

Муслима синглим! Икки жинс—эркак ва аёлнинг бир-бирлари билан аралашиб юришларини номус ва шарафни химоя қилиш ҳамда шубхалардан узоқ бўлиш учун, харом қилиши исломнинг қулайлиги ва имкониятларидандир...

Масалан: хижоб сизга нисбатан бир воҳага ўхшайдики, унинг соялари ва буюқлиги билан фойдаланасиз... хижоб илмонийлик ва гарблаштириш учун даъват этаётган кимсалар тасвирлаганидек, зиндоннинг бир парчаси эмас... сиз уларнинг фирибларидан эхтиёт бўлинг! Ахир қимматли инжу эхтиёт қилиниши керак-ку!!

Мавзунинг далиллари:

Аллох таъоло деди: (Эй Мухаммад), мўминаларга айтинг: «(номахрамлардан) кўзларини юмсинлар, номусларини (харомдан) сакласинлар, тўсишни иложи бўлмаган зийнатларидан бошқа зийнатларини кўрсатмасинлар. Рўмоллари билан кўкракларини ҳам ўрасинлар. Зийнатларини эрлари, оталари, (ўз) ўгиллари, (ўгай) ўгиллари, ака-укалари, жиян (ака-ука ёки опа-сингилларининг бола)лари, ўзларига аралашиб юрадиган (хизматчи) хотинлар, чўрилари, эркаклик хусусиятлари бўлмаган ва улар билан аралашиб юрадиган кишилар ёки аёлларнинг авратларини билмайдиган гўдақларга кўрсатсалар бўлади. Яширган зийнатларини одамлар билиши учун оёқларини оёқларига урмасинлар. Эй мўминлар, хар бирингиз Аллохга тавба қилинлар, шояд нажот топсангиз!».

Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам: «аёлларнинг хузурига қирманглар!» дедилар. Ансорлардан бири: ё Росулуллох, хамв (эрнинг эркак яқинлари) хақида нима дейсиз? деб сўради. Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам: «хамв ўлим демасдир» деб жавоб бердилар. (Бухорий ва Муслим ривоятлари). (яъни эрнинг дадаси ва бобосидан ташқари барча эркак қариндошлари ака-укалари, жиянлари, амаки-тогалари ваҳоказолари қелин учун номахрамдир).

Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам: «Бир эркак (махрами бўлмаган) аёл билан (хилватда) бирга турмасин. Чунки, уларнинг учинчиси шайтон бўлади» дедилар. (Бухорий ривояти) Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам: «бошингизга бигиз билан урилиши, ўзи учун ҳалол бўлмаган аёлни ушлашдан кўра яхшироқдир» дедилар. (Табароний ва Байхакий ривояти . хасан ҳадис).

Абу Бакр розияллоху анхунинг кизи Асмо розияллоху анхо : «биз эркаклардан юзимизни тўсар эдик» деди. (Хоким ривояти. Имом Бухори ва имом Муслим шартига кўра бу хадиснинг санади саҳихдир).

Харом килинган аралашиниш кўринишлари:

- 1- Кизларнинг амаки ва амманинг ўгиллари билан аралашинишлари.
- 2- Кизларнинг тога ва холанинг ўгиллари билан аралашинишлари.
- 3- Келиннинг кайногалари билан аралашинишлари.
- 4- Куёвнинг кайнсингиллар билан аралашинишлари.
- 5- Аёлнинг сутдош огаси билан шу аёлнинг хақиқий сингилларининг аралашинишлари. (яъни бу аёл билан ана шу эркак бир аёлдан сут эмганлар, сут берувчи аёлнинг онаси эмас)
- 6- Никох килинмаган, лекин, унаштирилган кизи билан йигитнинг танхо қолиши, суҳбатлашиши, сайр қилиши. Бирок уйланишга жазм қилса, махрамларининг ҳозирлигида, кизга қараш ҳуқуқи бордир.
- 7- Мехмонхона қаби баъзи ерларда хизматкор эркакларнинг аёллар турган тарафларга кириб аралашиб юришлари.
- 8- «Қалбим сут қаби оппоқ», «хамма нарса нийятга боглик» деган баҳона билан бегона бўлган барча эркаклар билан аралашиниш.
- 9- Кампирларнинг бегона эркаклар билан танхо қолишлари. Чунки, шариат уларга юзларини очишга руҳсат берган, холос.
- 10- Аёлларнинг қибладошим ёки «қариндошим» деган баҳоналар билан бегона эркаклар билан аралашиб юришлари.
- 11- Балогат ёшига етмаган кизларнинг «булар хали сагира» деган баҳона билан бегона бўлган ёшлар ва эркаклар билан аралашиб юришларига эътибор бермаслик. Аммо хаёли бўлишлари улар учун яхшироқдир.
- 12- Хайдовчининг сайёраларда бегона аёллар билан танхо қолишлари.
- 13- Баъзи аёлларнинг сафар ёки хажга махрамсиз чиқишлари.
- 14- Олийгоҳ ёки мактабларда ўқувчи киз ва болаларнинг бир синфда аралаш ўқишлари.
- 15- Олийгоҳ, дорулфунун ва мактабларда аёлларнинг ёшларга, эркакларнинг кизларга рўбарў туриб дарс беришлари.

- 16- Гарбга юборилган ўқувчиларнинг гарбий оилалар билан аралашилари ва бир уйда қолишлари.
- 17- Бошлангич синфларга аёлларни муаллима қилиб юбориш, икки жинс ўртасидаги аралашиларнинг энг хунук бошланиши бўлиши.
- 18- Аёлларни: «олий - маданий дарсларни ўрганиб келади» деб, гарб мамлакатларига жўнатиш. Бу эса аёлларнинг халокатга олиб борадиган гарбий фикрлар билан захарлаш демақдир.
- 19- Талаба ва толибаларнинг «синфдан ташқари дарслар» деган бахоналар билан, бир синфда бирга бўлишлари.
- 20- Дорулфунунда ёзилган иншоларни текшириш учун бириктирилган устозларнинг толибалар билан ёлғиз қолишлари.
- 21- Хусусий муаллимларнинг дарс бахонасида толибалар билан ёлғиз қолишлари.
- 22- Шеърхонлик, илмий мунозаралар ва ё бошқа хилма-хил мавзуларда ўтказиладиган кечаларга аёлларнинг боришлари ва эркаклар билан ёнма-ён ўтиришлари.
- 23- Хамшира ва табибаларнинг бегона⁽²⁾ эркаклар билан, гарчи табиб ва табиб ёрдамчилари бўлсаларда ёлғиз қолишлари.
- 24- Табибнинг хаста ёки табиба билан ёлғиз қолиши.
- 25- Табибнинг махрамсиз хаста аёл билан ёлғиз қолиши.
- 26- Хеч бир зарурат ва эҳтиёжсиз ёки табиба бўла туриб, аёл кишининг (эркак) табибларга бориб аъзоларини кўрсатишлари.
- 27- Кузатиш, кутиш ва шу каби муносабатларда эркаклар билан аёлларнинг аралашилари.
- 28- «Зарурат» деган бахоналар билан дорихона ва тиббий тажрибахоналарда эркаклар билан аёлларнинг аралашиб юришлари.
- 29- «Оила қуни» деган бахоналар билан сайил ва ўйингоҳларда эркаклар билан аёлларнинг аралашиб юришлари.

¹ «бегона эркаклар» сўзидан махрам ва эр бўлмаган кишилар тушунилади. Махрамлар булардир: ота, бобо, ва ундан юқорилари, ўғил, набира ва ундан пастлари, ака-ука, қайн ота, тоға, амаки, ўғай ўғиллар ва жиянлар. Сутдошлар ҳам айни шу силсилададир. Аёл ўз юзини қули ёки эркакли хусусиятлари бўлмаган эркаклар ва гўдақлар олдида очиши мумкин.

- 30- Аёлларнинг эркаклар билан аралашishi ёки дўкон ва шунга ўхшаш ерларда аёл билан эркакнинг ёлгиз колишлари.
- 31- Аёлларнинг ошхона ва бошка емакхоналарда аралашиб юришлари.
- 32- Аёлнинг сайёра, тайёра ва ўтўбисларда махрамсиз сафар килиши.
- 33- Аёллар билан эркакларнинг бозорларда аралашиб юришлари.
- 34- Эркак сурагчилар томонидан аёлларни сурагга олиш.
- 35- Мавлид ва бошка дин номи билан килинаётган, дин эса буюрмаган бидъий муносабатларда эркаклар билан аёлларнинг аралашishiлари.

Бундан бошка харом килинган аралашishiлар хам бор. Аллох таъолодан барчамизни ўзи суйган ва рози бўлган нарсаларга муваффақ килишини сўраймиз... Аллох таъоло пайгамбаримиз ва у зотнинг оиласи ва барча асхобларига салавот ва саломлар йўлласин.

* * *